

Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун

№ 8 - сонли шартнома

Бухоро шаҳри

«27 » сентябр 2022 йил

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати инжинииринг компанияси» келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб Низомга асосан компания директори **Ф.Б.Жаллиев** бир томондан «Бухарапроект» МЧЖ кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталиб ҳамда Низом асосида иш юритувчи номидан раҳбар **К.И.Хотамов** иккинчи томондан мазкур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш ишлари бўйича шартнома туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжинииринг компаниясининг 2022 йил 22 сентябр даги № 45584-сонли йигилиш баённомасига асосан бажарувчи **«Ғиждувон туман Сайдкент МФЙ да 120 ўринли мактабгача таълим ташиқилотини қуриши»** обьекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини амалдаги тартиб-қоидалар ва меъёларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари қуйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси 1-иловага мувофиқ;
- асослаштирилган келишув баённомаси 2- иловага мувофиқ;
- лойиҳа ишларини бажариш сметаси – 3 илова мувофиқ белгиланади.

Ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2. Бажарувчи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиҳа-смета амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:

2.6. Бажарувчи ишларни техник топшириқ ва келишилган график асосида ўз вақтида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг қурилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Қуйидаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 3 нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган кўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичидан уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиши ва 15 иш кунида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ.

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси кўшимча қиймат солиги билан – **85 000 000 (Саксон беш миллион)** сўмни ташкил этади.

4.2. «Буюртмачи» шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 30 % миқдорида бўнак (аванс) тўловини амалга оширади.

4.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади. Қуйидаги ҳолларда:

-ишлар қиймати кўпайтиришга енгиг бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ва ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ШНК 1.03.01-08) мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун қурилиш лойиха-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга қадар жавоб беради. Лойиха-смета ҳужжатларida камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета ҳужжатларини сифатини ошириш максадида бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равища ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида Бажарувчига пеня тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбириятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган ҳужжатлар асосида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

Пеня тўлаш

Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа

тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш хукуқига эга.

5.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва ҳ.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тарафа олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокоралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

7. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ.

7.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҶАМЛАРИ

«БУЮРТМАЧИ»

«Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи хизмат инжиниринг компанияси»

Манзил: Бухоро шаҳри, Пр. Навои 5
тел. 223-63-23, 223-63-26

X/r: 100021860064017016806799251

ИНН 201512962 ОКОНХ 69000 ОКЭД 70100

Бухоро вилоят Фазначилик бошқармаси

X/r: 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент шаҳри
МФО 20014 ИНН 201122919

Компания раҳбари

Ф.Б.Жаллиев

(мухр, имзо)

Хукукшунос:
Панелни ЎК № 006116

Д.Соибов

Ш.Б.:

Р.Хайитов

«ИШ БАЖАРУВЧИ»

«Бухарапроект» МЧЖ

Манзил: Бухоро шаҳар Мустакиллик 50A
Тел. (90. 718-38-70)

X/r 20208000204188937001

Банк номи: ДАТ Асака банк в г.Бухаре
МФО 00120 ИНН 204032964

ОКОНХ 66000 ОКЭД 71110

Директор

К.И.Хотамов

(мухр, имзо)

Хукукшунос:

Х.Гулямов

2022 ийл 27сентябр даги
№8 -сонли шартномага 1-илова

Бажариладиган ишларнинг календар
РЕЖАСИ

Объектнинг номланиши	Бажариш муддати	
	Бошланиши	Тугаси
«Гиждувон туман Сайдкент МФЙ да 120 ўринли мактабгача таълим ташкилотини қуриши» обьекти буйича лойиха смета хужжатларини тайёрлаш ва Давлат экспертиза бошқармасига топшириш	“26”сентябр 2022й.	“30”сентябр 2022й.



«БУЮРТМАЧИ»


Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи
хизмат инжиниринг компанияси

Ф.Б.Жаллиев

«ИШ БАЖАРУВЧИ»

«Бухарапроект» МЧЖ

К.И.Хотамов



2022 йил 27 сентябр даги
№8 -сонли шартномага 1-илова

ЛОЙИХА ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ СМЕТАСИ

Лойиха ишларининг номи: «*Ғиждувон туман Сайдкент МФЙ да 120 ўринли мактабгача таълим ташкилотини қуши*» обьекти бўйича лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш.

Буюртмачи: Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси

Бажарувчи: «Бухарпроект» МЧЖ

Объектнинг номи	Ҳисоблаш	Нархнинг умумий ҳисоби
« <i>Ғиждувон туман Сайдкент МФЙ да 120 ўринли мактабгача таълим ташкилотини қуши</i> » обьекти бўйича лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлашни буюртмачининг топшириғига асосан бажарувчи ишлаб чиқишни ўз зиммасига олади.	<p>Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2019 йил 9 сентябрдаги «Лойиха-тадқиқот ишларининг қиймати аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги 3180-сонли буйруғига асосан обьектнинг мураккаблик даражаси 2 тоифага киради.</p> <p>Қурилишнинг тахминий даражаси, мураккаблик даражасига қараб, ўртача 3,5% ни ташкил этади. Ҳисоблаш учун тахминий 2 % қабул қиласиз.</p>	$3\,695\,652\,150 \times 2 \% = 73\,913\,043$
<u>3 695 652 150 сўм ККС сиз</u>	3 695 652 150 x2%	73 913 043
<u>ККС 15%</u>		11 086 957
<u>Жами</u>		85 000 000

Нархи сўз билан: - 85 000 000 (Саксон беш миллион) сум ККС билан.

«Бухарпроект» МЧЖ
директори:




К.И.Хотамов